



Газета 1930 йил 12 майдан
чиқа бошлаган

Қонунчилек ва хукуқ-тартибот учун!

ПОСЕДА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2002 йил 11 июль, пайшанба • 28 (3452)-сон

БОЛАЖОНЛАР ЯЙРАШМОҚДА



Болаларнинг орзиқиб кутган ёзги таътил кунлари давом этмоқда. Хозир фарзандларимиз сўлим оромгоҳларда марокли дам олишмоқда.

Бўстонлик туманидаги соғломлаштириш масканларида болалар ёзги таътил кунларини кўнгилдагидек ўтказмоқдалар.



— Бу йил туманимиз ҳудудида жойлашган қирқта болалар оромгоҳлари болаларни ўз бағрига олган, — дейди Бўстонлик тумани ИИБ вояга етмаганлар ўртасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси катта инспектори, милиция катта лейтенанти Ойгул Жаркинова. — Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш учун ходимларимиз дам олиш масканларини доимий назорат қилиб туришибди.

Бўстонликнинг тог ён бағриларида жойлашган оромгоҳларда хизмат бурчини ўтаётган милиция ходимларига Тошкент шаҳар ИИББ, Тошкент вилояти ва Транспорт ИИБ хизматларидан келган ҳамкаслар ёрдам беришапти.

“МИЛИЦИЯ ОҚСОҚОЛЛАРИ” ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

“Ўзбекистон Республикаси ИИВ фахрийиси” хайрия жамғармаси мамлакатимиз ички ишлар идоралари фахрийлари ҳақидаги энг яхши мақалалар учун (очерк, лавҳа, хужжатли қисса) очиқ адабий танлов эълон қиласди.

Голибларни рағбатлантириш учун қуйидаги мукофотлар белгиланган:

Биринчи ўрин — 100000 сўм
Иккинчи ўрин — 75000 сўм
Учинчи ўрин — 50000 сўм

Учта рағбатлантирувчи ўрин — 25000 сўмдан.

Танлов натижалари шу йилнинг ноябрь ойида — хукуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ходимларининг касб кунидаги якунланади.

Танлов учун материаллар қуйидаги манзилга юборилсин: Тошкент шаҳри Ю. Ражабий кўчаси 1-й. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти, “Милиция оқсоқоллари” танловига.

Ташкилий қўмита.

Дикқат! Пиёда!

ҚОИДА ҲАММАГА БАРОБАР

Айни кунларда давом этаётган “Дикқат! Пиёда!” тадбирида аҳоли ўртасида йўл ҳаракати қоидалари бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб бориляпти.




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Шу йилнинг 8 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Саноат, курилиш, транспорт ва алоқа масалалари кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўгрисида”ги Қонунининг Андикон вилоятида ижро этилиши ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисни қўмита раиси И. Кочмарик олиб борди.

Ушбу Қонун Андикон вилоятида амалда қандай ижро этилаётганлиги тўгрисида вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. Тиллабоев маъруза қилди. Нотиқ йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида ягона сиёsat олиб бориш, хўжалик субъектларининг фаолиятини кучайтириш мақсадида Андикон вилояти ҳокимлиги қошида йўл ҳаракати хавфсизлиги комиссияси тузилгани ва ушбу комиссия томонидан бир қатор ишлар йўлга кўйилганлигини факт ва рақамлар асосида таъкидлаб ўтди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туман ҳокимликларида ҳам ҳудди шундай ҳудудий комиссиялар тузилган бўлиб, улар ўз фаолиятларини юқоридағи Қонун ва тасдиқланган режа асосида амалга оширилмоқдалар.

Р. Тиллабоевнинг ахборотини тинглаб ва муҳокама жараёнида сўзга чиққанларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланиб, қўмита тегишили қарор қабул қилди. Жумладан, Андикон вилояти, туман, шаҳар ҳокимликлари, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича маҳсус ваколатли давлат органлари — Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон автомобиль йўлларини куриш ва улардан фойдаланиш давлат акциядорлик концерни, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХХБ ва уларнинг жойлардаги идоралари томонидан “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўгрисида”ги Қонун талабларининг ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Эркин САТТОРОВ.



Бундан ташқари бўстонлик ички ишлар ходимлари, хусусан вояга етмаганлар ўртасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ходимлари болалар ўртасида ҳукуқ масалаларида сухбатлар олиб бориляпти.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Суратларда: Бўстонлик туманида жойлашган “Автомобилчи” болалар оромгоҳидан лавҳалар акс этган.

А. РЕПИНА олган суратлар.

«Ғалла — 2002»

УЛКАН ХИРМОН ПОСБОНЛАРИ

Хозирда республикамиз бўйича 1 миллион 249 минг гектар майдондаги бошоқли дон экинларининг 1020,9 минг гектаридаги ҳосил йигиб олинди. 10 та вилоятда дон тайёрлаш режаси бажарилиб, давлатта йиллик режага нисбатан 98,84 фоиз ғалла топширилди. Бу ютуқларни қўлга киритишда ички ишлар ходимлари ва маҳалла посбонларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Галлакорлар билан ёнма-ён меҳнат қилаётган ходимларимиз томонидан шу кунгача ғалла майдонларида қоидабузарлик ва хукуқбузарликлар содир этган 17091 нафар шахслар аниқланди. Ташмачилардан олинган 62751 кг ғалла давлат хирмонига қайта-рилди. Уларга суд ҳукми билан 8 млн. 205 минг 323 сўм-миқдорда жарима солинди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида мавсум давомида ёнғин ва йўл-транспорт ҳодисалари, оғир жиноятлар ва ғаллани мамлакатимиздан четта олиб чиқиши ҳолатлари юз бермади. Афсуски, ғаллазорларда ўрим-йигим қизғин давом этаётган шу кунларда олиб бориляётган профилактик тадбирларга қарамай донга кўз олайтираётганлар ҳамон учрамоқда.

(Давоми 2-бетда).



УЛКАН ХИРМОН ПОСБОНЛАРИ

(Боши 1-бетда).

Масалан, Фарғона вилояти Риштон тумани Жалойир қишлоғида яшовчи И. Қаҳрамон, Й. Полвонбек ва М. Каримжонлар “Истиқол” ширкат хўжалигининг дон сақданаётган омборига томдаги шиферни кўчириш йўли билан кириб, бир тоннага яқин буғдойни ўғирлаб, олиб чиқишиганди ИИБ ходимлари томонидан ушланган. Фурқат туманинадаги Бешәчки қишлоғида яшовчи Ш. Зафар ҳам девордан ошиб кириб деярли 150 кг буғдойни олиб кетаётганди далилий ашё билан кўлга олинган. Нафс деганлари шундай бир бало эканки, у туфайли инсон ҳаётини ўз ихтиёри билан хавф остида қолдираётганини ўйламас экан. Бувайда туманинадаги Ҳамзаобод қишлоғида яшовчи Қ. Шавкат, ака-ука А. Олим ва Одилларнинг фалла ташиётган автомашинадан буғдой ўғирлашганини бундан ортиқ изоҳлаш мумкин эмас.

Дон экилиб, то фалла ўриб, йигиб олингунга қадар хўжаликдаги катта-ю кичик раҳбарларнинг ўз ўрни ва мажбурияти бор. Ана шу мажбуриятга амал қилгандарнинг эл-юрт олдиди юзи ёруғ бўлади. Акс ҳолда... Сурхондарё вилояти Кумкўргон тумани Кумкўргон жамоа хўжалиги ҳудуд (участка) бошлиғи Ж. Абдураззоқ ҳамқишлоғининг деярли бир ярим тонна буғдойини фалла омборига олиб бормай, ўзлаштириб юборади. Наманган вилояти Норин туманинадаги “Бўстон” ширкат хўжалиги омбори мудири У. Сайджалол ҳам хусусий тегирмон эгалари — М. Ойбек ва С. Мамажонларга тўрт тонна буғдойни 90 сўмдан пуллайди. Жиззах вилояти Зафаробод тумани С. Раҳимов ширкат хўжалиги дон қабул қилиш корхонаси омбори мудири А. Ҳусниниддин “Дўстлик” тумани Х. Исроилов номли ширкат хўжалиги дон омбори тарозибони М. Аъзам билан ўзаро тил бириклириб, омбордаги беш тонна буғдойни қалбаки хужжатлар тушиб, тумандаги фермер хўжаликларидан бирининг раисига уч юз минг сўмга сотади. Вилоят ИИБ жиноят қидирив ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари И. Анербоев, К. Умаров ҳамда Д. Асиловлар ушбу ҳолат бўйича суриштирив олиб бориб, далилий ашё—беш тонна буғдойни давлат хирмонига қайтаришиди. Қашқадарё вилояти Қамаши тумани, Л. Муҳаммадиев номли жамоа ширкат хўжалиги омбори мудири Р. Камол ва ҳайдовчи А. Эшмаматлар ҳам деярли тўрт ярим тонна буғдойни сотиб юборганлар.

Халқ ризқига кўз олайтираётган кимсаларни аниқлаш ва ўғирланган, талон-торож қилинган фаллани хирмонга қайтарища профилактика инспектори, милиция майори К. Отаконов, маҳалла посбонлари И. Бойназаров, Л. Ўрмонов (Фарғона), шунингдек, Ю. Рустамов, И. Холиқов, А. Муҳитдинов (Наманган), Х. Холиқов, А. Убайдуллаев (Самарқанд), Н. Бўронов, Б. Болтаев, Б. Ўтанов (Навоий), ИИВ тезкор штабидан Ў. Усмонов, М. Тўхтаев, Ж. Камолов, С. Турсунов ва яна кўплаб ходимларимиз фидойилик кўрсатишадиги.

Хосили йигиб олинган майдонлар шудгорланиб, қайта экин экиш учун тайёрланиши табиий. Афуски, айрим шошқалоқлар далада сочилиб ётган сомонлар йигиб олинмаёқ гектарлаб ерларга ўт қўйиб юбормоқдалар. Натижада атроф-муҳитни заҳарлаш билан бирга ёнгин хавфини келтириб чиқаришадиги. Ана шундай салбий ҳолатларга йўл қўйган А. Расулов, Т. Омонов, О. Сидиқов, Э. Максудов (Андижон), Ф. Тошев, Т. Бобонов (Навоий) каби фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишили моддалари бўйича жарима тўладилар.


Мамлакатимиз осмони мусаффо, фуқароларимиз дастурхони тўкин бўлиши кўп жиҳатдан ички ишлар ходимлари, маҳалла посбонларига ҳам боғлиқ экан, бу инсонлар зиммаларидаги бурчни бажаришда сира ҳам толмайдилар.

О. СОТИМОВ,

ИИВ Тезкор штаби ишчи гурухи бошлиғи, милиция подполковники.

Диққат! Пиёда! ҚОИДА ҲАММАГА БАРОБАР

Айни кунларда давом этаётган “Диққат! Пиёда!” тадбирида ахоли ўртасида йўл ҳаракати қоидалари бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб бориляпти.



Айниқса, ёш болалар билан амалий машгулотлар ўтказишга катта эътибор берилмоқда. Бу бора-

да Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ишлар самарали бўляпти. Олмалиқ, Бўка, Оққўргон


шаҳарларидаги автомайдончаларда болаларга йўл ҳаракати қоидаларидан сабоқ берилмоқда.

Вилоятнинг барча автомобил йўлларида йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари назоратни кучайтириш билан бирга, ўтка-

зилаёттган тадбирнинг мөхиятини тушунтиришадиги.

Сиз қўриб турган суратларда: йўл-патруль хизмати инспектори, милиция сержантини С. Ортиқов ҳайдовчининг хужжатларини кўздан кечирмоқда; милиция катта лейтенанти С. Норжигитов болаларга йўл ҳаракати қоидаларини тушунтирмоқда.

А. ИЛЁСБОЕВ.
Муаллиф олган суратлар.



АСАКАДА ЯНГИ ОРОМГОҲ

Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси ташиббуси билан шу соҳада хизмат қилиш орзусида бўлган болалар учун ҳарбийлашган спорт оромгоҳи ташкил этилди.

Оромгоҳда тарбияла-нувчилар нафақат ҳарбийча юриш-туриш ва спорт бўйича, балки Конституция ва амалдаги қонунлар ижросига оид мавзуларда сабоқ оладилар. Ушбу оромгоҳда ёзги таътил давомида жами 225 нафар ўсмир маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш харажатларириҳордик чиқариб, сабоқ

олишлари мўлжалланган. Шу мақсадда кенг, ёруғ синфлар ва дам олиш хоналари, спорт майдонлари, керакли адабиётлар мухайё этилган. Касаба уюшмалари вилоят кенгашши эса болаларни тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш харажатларини ўз зиммасига олди.

Куни кеча ушбу оромгоҳнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни вилоят ИИБ бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Ш. Матхоликов очди. Шундан сўнг оромгоҳ бошлиғи Н. Қаландаров, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ў. Охунов, вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги М. Шамшидинов, касаба уюшмалари вилоят кенгашининг бўлим бошлиғи Қ. Ризаев

лар сўзга чиқиб, оромгоҳни ташкил этишдан кўзланган мақсад ва бу ерда яратилган шарт-шароитлар хусусида гапирдилар.

Тадбир давомида “Динамо” жамияти спортчиларининг кўргазмали чиқишлиари, “Посбон” чолғу оркестри концерт дастури ва кўплаб хушовоз хонандарларнинг дилбар қўшиқлари барчага манзур бўлди.

Айни пайтда оромгоҳда 75 нафар бола ҳордик чиқармоқда.

Ўз муҳбирумиз.

ҲАР ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ

Самарқанд вилояти ИИБ ўқув марказида республикамиз барча вилоятларидан ташриф буюрган тингловчилар билан малака оширишда бўлдик.

Бу ерда ишлаб чиқилаётган дастурлар асосида амалга оширилаётган тадбирлар нафақат тингловчилар, балки мутахассисларга ҳам манзур бўлмоқда. Фанлар ўқитиладиган хоналар шинам ва ўзига хос кўргазмали куроллар билан жиҳозланган. Дарслар мукаммал ва сифатли ўтилади. Ўқув маркази бошлиғи, милиция полковниги С. Аҳмедов ва ўқитувчиларнинг билими кучли эканлиги берадиган дарсларидан ҳам билиниб турибди. Жисмоний ва амалий машгулотлар ўтиладиган спорт майдончалари ўқувчилар ихтиёрида. Маданий ҳордик чиқариш мақсадида кўхна Самарқанд шаҳридаги тарихий обidalар зиёрат қилингани таҳсинга лойиқ.

Ўқув марказида амалга оширилаётган ишлар ҳар томонлама фойдали эканлигидан мамнун бўлдик.

Д. ШОМУРОДОВ,
Чироқчи тумани.

Тошкент тумани ҳокимлиги тарғибот гурухи белгиланган жадвалга кўра маҳаллаларда бўлиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, ахолининг хукуқий маданиятини ошириш ва ёшларни огоҳликка даъват этиш бўйича мuloқotlar ўтказмоқда.

МАҲАЛЛАРДА МУЛОҚОТЛАР

“Иттифоқ” маҳалласида ташкил этилган давра сұхбати “Менга бариб ёмас, сизга-чи?” деб номланди. Унда диний ақидапарастлик ва унинг хунук оқибатлари хусусида гап борди. Кўктерак маҳалласидаги учрашув эса “Гиёҳвандлик – аср вабоси” мавзусига бағишилди. Кекса ўқитувчи Шуҳрат Мажидов, истеъфодаги милиция подполковниги А. Даминов ва бошқалар сўзга чиқиб, ёшларимизни гиёҳвандлик балосидан асраш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш тўғрисида фикр юритдилар.

У. БОЗОРОВ.

Оғусиз дунё учун

Андижон шаҳридаги “Наврӯз” марказий ўйингоҳида “Оғусиз дунё учун!” деб номланган тадбир ўтказилди. У вилоят ИИБ томонидан бундан олти ой илгари ташкил этилган танловнинг якунига бағишилди.

Тадбир ўйингоҳдан гиёҳвандликка қарши кураш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга чорловчи ранг-баранг плакатлар ўрнатилган автомобилларнинг саф тортиб ўтиши билан бошланди. Плакатларнинг аксариятида гиёҳвандлик моддаларининг инсон саломатлигига салбий таъсири акс этирилган эди.

Шундан сўнг патруль пост хизмати ходимлари саф, ҳарбий тайёргарлик, кўл жанг, куролдан фойдаланиш бўйича олган би-

лимиларини намойиш этишиди.

Вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, мили-

насрий ва публицистик асарлар бўйича ўтказилган танлов натижаларини зълон қилди. Голиблар диплом ва қимматбаҳо совалар билан тақдирланди.

Бадиий жамоалар ва эстрада артистлари ўйингоҳда театрлаштирилган томошани давом эттиридилар.

Тантанада вилоят ва шаҳар ҳокимларининг раҳбарлари, ўқув юртлари ва турли ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишиди.

Б. КЛЕЙМАН.

“НАВРӽ”ДА ТАНТАНА

инсон полковниги М. Шамшидинов хукуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг гиёҳвандликка қарши кураш, гиёҳвандлик моддаларининг ёшларга салбий таъсири тўғрисида ҳикоя қилувчи

Үқинг ва мұхокама қилинг

Маълумки, ярашув институтининг жорий этилиши жиной жазолар, жиноят ва жиноят-процессуал қонунларни либераллаштиришда мұхим босқичдир. Уни амалиётта түғри ва бир хилда құллашни таъминлаш нынжытада долзарб вазифа хисобланади. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг шу йил 14 июнь куни бўлиб ўтган Пленумида "Ярашув тұғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳакида"ги қарор лойихаси мұхокама қилинди. Ушбу лойиха юзасидан республика ИИВ тизимида хизмат қилаётган илмий, назариётчи ва амалиётчи ходимларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам қимматлидир. Шуни хисобга олиб қуйида мазкур қарор лойихасини эътиборингизга ҳавола этајпмиз.

Таклифларингизни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов Бош бошқармасига юборишиңизни сўраймиз.

Лойиха

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ ЯРАШУВ ТҰҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ҲАҚИДА

Ярашув тұғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётини ўрганиб чиқиб, мазкур тоифадаги ишлар юзасидан қонунларнинг түғри құлланилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тұғрисида"ги конунининг 17-моддасига асосланиб, Олий суд Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларга тушунтирилсінки, ярашув институтининг жорий этилиши жиной жазоларни ҳамда жиноят ва жиноят-процессуал қонунларни либераллаштиришда мұхим босқич хисобланади. Мазкур ҳуқуқий институт жиной жавобгарликдан озод қилиш турларидан бири сифатида жиноят содир этган шахснинг айборлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлади.

Ярашув тұғрисида иш юритиши мүмкін бўлган жиноят таркиблари Жиноят кодексининг 66¹-моддасида тугал келтирилган бўлиб, унинг доираси кенгайтириб шарҳланиши мүмкін эмас.

Ярашув тұғрисидаги ишларни юритишиннег алоҳида тартиби Жиноят-процессуал кодексининг 62-бобида белгиланган.

2. Судлар шуни назарда тутишлари керакки, ярашув тұғрисидаги аризанинг шакли, мазмуни ва уни тақдим этиш тартибига нисбатан қонунда муайян талаблар қўйилган.

Ярашув тұғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиб, унда жиноят натижасида етказилган зиён бартаф этилганлиги ва ярашув туфайли жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимос кўрсатилган бўлиши лозим.

Ярашув тұғрисида иш юритиши масаласини қўзғатиш ҳуқуқига қонунда белгиланган тартибда жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)^{*} деб топилган шахс ёки унинг қонуний вакили эгадир.

Жабрланувчи айни бир вақтнинг ўзида фуқаровий даъвогар деб топилмаган ҳолларда ярашув тұғрисида иш юритиши бошлаш учун ҳам жабрланувчи, ҳам фуқаровий даъвогар томонидан тегишли ариза берилган бўлиши шарт.

Иш бўйича бир гумон қилинувчи, айланувчи, судланувчи^{**} ва бир неча жабрланувчи бўлган ҳоллар учун ҳам қонунда айнан шундай талаблар белгиланган. Уларнинг ҳатто бирортасидан тегишли ариза бўлмаган ҳолларда ҳам ярашув тұғрисида иш юритиши мүмкін эмас. Бундай ҳолда жиноят иши бўйича иш юритиши умумий асосларда олиб борилади.

3. Тушунтирилсінки, қонунда ярашув тұғрисидаги ариза жиноят процессининг исталган босқичида, яъни шахс гумон қилинувчи ёки айланувчи тартибасида

ишда иштирок этишга жалб қилинган пайтдан то жиноят ишини кўриб чиқаётган суд маслаҳатхонага кириб кетгунга қадар берилиши мүмкінлиги кўзда тутилган.

Қонуннинг мазмунига кўра бундай ариза апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди маслаҳатхонага кириб кетгунга қадар ҳам берилиши мүмкін.

Бундай ҳолларда, иш бўйича чиқарилган ҳукм бекор қилинади ҳамда жиноят иши Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми ва 401-моддаси 2-қисми тартибida шахснинг айборлиги масаласи ҳал қилинмай туриб тугатилган ҳисобланади ва айбор учун судланганлик ҳолатини келтириб чиқармайди.

4. Ярашув тұғрисидаги ишлар бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига қонун билан юқлатилган мажбурият – ярашув суд томонидан тасдиқланғандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг жабрланувчига тушунтирилиши шартлигидир. Қонуннинг ушбу талабига риоя этмаслик ярашув тұғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорнинг бекор қилинишига олиб келиши мүмкін.

Судлар шуни назарда тутишлари керакки, жабрланувчи фақат биринчи инстанция суди маслаҳатхонага киргунга қадар айланувчи билан ярашишдан воз кечишга ҳақли.

Агар ярашув тұғрисидаги ариза иш апелляция (кассация) ёки назорат инстанциясида кўриш жараённада берилган бўлса, ярашувдан воз кечганлик ҳақидаги ариза ўша суд инстанцияси ҳайъати маслаҳатхонага киргунга қадар берилиши мүмкін.

5. Ярашув тұғрисидаги қонун нормалари қўлланилишининг тезкорлиги ва кафолатланишини таъминлаш, айланувчи ва жабрланувчининг ҳуқуқларни муҳофаза этиш мақсадида ярашув тұғрисидаги иш бўйича қарор чиқариш ва судга юбориш учун қонунда ўн кунлик муддат белгиланган.

Ярашув тұғрисидаги ишлар бўйича суд мұхокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиқтирилмай ўтказилади. Ярашув тұғрисидаги ариза суд мажлисида берилган ҳолларда, бу масала суд мажлиси давомида ҳал этилади.

Судлар суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан ишни судга юбо-

риш муддатлари бузилишига нисбатан муросасиз бўлишлари ва бунинг олдини олиш мақсадида хусусий ажримлар чиқаришлари лозим.

Ишни судга юбориш тұғрисида суриштирув ва тергов органлари томонидан чиқариладиган қарорнинг қарор қисмiga нисбатан кўйилган талаблар Жиноят-процессуал кодекси 584-моддасининг 3-қисмida баён этилган.

6. Судлар шунга эътибор берилади, иш бўйича бир жабрланувчи ва бир неча айланувчилар бўлган тақдирда ҳам қонун жабрланувчининг улардан айримлари билан ярашувга келиши мүмкінлигини эътироф этади.

Бундай ҳолларда ишнинг жабрланувчи ярашувга келган айланувчиларга оид қисми Жиноят-процессуал кодексининг 584-моддаси тартибида судга юборилади, қолган айланувчиларга доир қисми эса ажратилиб, иш юритиш умумий асосларда олиб борилади.

7. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ярашув тұғрисидаги ишлар бўйича иштирок этувчи шахслар доираси бошқа тоифадаги жиноят ишлари бўйича процесс иштирокчилардан бирмунча фарқ қиласи.

Жумладан, ярашув тұғрисидаги ишлар бўйича суд мажлисида гумон қилинувчи, айланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячилари ва прокурор иштирок этиши назарда тутилган. Бироқ, бу суднинг иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилиши учун зарур бўлган ҳолларда юқорида кўрсатилганлардан ташқари бошқа шахсларни ҳам ишга жалб этиш ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ваколатлардан фойдаланиш ҳуқуқини чекламайди.

8. Ярашув тұғрисидаги ишлар бўйича, қонунда суд мұхокамаси олиб борилади, қонунда суд мұхокамаси олиб борилади тартиби ва ярашув туфайли ишни тугатиш масаласини ҳал этиш чоғида суд аниқлаши шарт бўлган ҳолатлар доираси ҳам белгиланган (ЖПК 585-моддаси 5-қисми).

Агар суд мажлиси давомида ярашув ёки айга икror бўлиш ихтиёрий эмаслиги, зарарни қоплашдан бош тортиси, шунингдек, содир этилган қилмишда янада оғирроқ жиноят белгилари мавжудлиги аниқлангудек бўлса, суд ишни умумий асосларда дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юбориш тұғрисида ажрим чиқаради.

9. Ярашув туфайли ишни тугатиш ҳақидаги суд қарори биринчи инстанция суди ва апелляция (кассация) инстанцияси судлари томонидан ажрим

лади. Суд ажрим (қарор) чиқаришда Жиноят-процессуал кодексининг 586-моддасида баён қилинган талабларга қатъий риоя этиши шарт.

10. Ярашув туфайли жиноят ишини тутатиш тұғрисидаги масалани ҳал этиш пайтида судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, ушбу ҳуқуқий институт фақат ЖК 66¹-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноятлардан бироргасини биринчи марта содир этган шахсга нисбатан қўлланилиши мүмкін.

Муқаддам жиноят содир этган, бироқ ўша жиноят учун Жиноят кодексининг 64-моддасида назарда тутилган жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган шахсларга нисбатан ҳам ярашув институти қўлланилиши мүмкін.

Жиноят кодекси Умумий қисми нормаларига кўра, бирор-бир жиноят содир этганлиги учун судланган шахслар ҳам, агар уларнинг судланганлик ҳолати қонунда белгиланган тартибида тутилган ёки олиб ташланган бўлса, судланмаган ҳисобланади ва бундай шахсларга нисбатан қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлганда Жиноят кодексининг 66¹-моддасини қўллаш мүмкін.

11. Агар шахс бир нечта жиноят содир этган бўлиб, улардан бир қисми Жиноят кодексининг 66¹-моддасида кўрсатилган бўлса, ишнинг шу қисми Жиноят-процессуал кодексининг 62-бобида белгиланган тартибида тутилиши мүмкін, лекин бу тартиблар такрорийлик белгисини берадиган жиноятларга татбиқ этилмайди.

12. Агар жиноят ишини умумий тартибида кўриб чиқаётган пайтда биринчи инстанция суди шахснинг ҳаракатларини Жиноят кодекси Maxsus қисмининг ярашув туфайли жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун имконият берувчи (Жиноят кодексининг 66¹-моддаси) бошқа моддасига қайта квалификация қилиши зарурлиги тұғрисида хуносага келса, иш бўйича айлов ҳукми чиқаради. Бундай ҳолда судья манфаатдор шахсларга ярашув тұғрисидаги ариза билан апелляция (кассация) инстанцияси судига мурожаат қилиши мүмкінligини тушунтиради ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

Апелляция, кассация ва назорат инстанциялари судларида жиноят ишини кўриш пайтида маҳкумнинг ҳаракатларини Жиноят кодекси Maxsus қисмининг ярашув туфайли жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун имконият берувчи (Жиноят кодексининг 66¹-моддаси) бошқа моддасига қайта квалификация қилиши зарурлиги тұғрисида хуносага келса, иш бўйича айлов ҳукми чиқаради. Бундай ҳолда судья манфаатдор шахсларга ярашув тұғрисидаги ариза билан апелляция (кассация) инстанцияси судига мурожаат қилиши мүмкінligини тушунтиради ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

Апелляция, кассация ва назорат инстанциялари судларида жиноят ишини кўриш пайтида маҳкумнинг ҳаракатларини Жиноят кодекси Maxsus қисмининг ярашув туфайли жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун имконият берувчи (Жиноят кодексининг 66¹-моддаси) бошқа моддасига қайta квалификация қилиши зарурлиги тұғрисида хуносага келса, иш бўйича айлов ҳукми чиқаради. Бундай ҳолда судья манфаатдор шахсларга ярашув тұғрисидаги ариза билан апелляция (кассация) инстанцияси судига мурожаат қилиши мүмкінligини тушунтиради ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси.**

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судьяси,
Пленум катиби.**

* Кейинги ўринларда – "жабрланувчи"

** Кейинги ўринларда – "айланувчи"

Хатлар таҳлили

МУШТАРИЙГА МАНЗУР БЎЛАЁТГАН МАВЗУЛАР

“Хурматли таҳририят! Биз оиласиз билан “Постда” газетасида ёритилаётган мақолаларни ўқиб бораяпмиз. Дадам милицияда ишилаётгандарни учунми, менга кўпроқ жисноячилар қўлга олингани ҳақидаги материаллар манзур бўлаяпти. Келин ойим иккимиз кўпинча дадамнинг газета олиб келишини интизорлик билан кутамиз. Газета келган кун хонадонимизда ҳам байрам, ҳам “жанжал”. Чунки ҳамма уни биринчи бўлиб ўқиб чиқсан, дейди. Ҳатто, 76 ёши қаршилаган бувим ҳам шунга ҳаракат қиласидар. Барчамиз “Учинчи олам” саҳифасида бериб борилаётган ҳайратомуз воқеаларни қизиқиш билан ўқиб, бошқотирмаларни ечиб, кўнгилли ҳордиқ чиқараюпмиз. Бунинг учун раҳмат сизларга.

Хурмат билан Қарши тумани Насаф жамоа хўжалигига яшовчи Садоқат Ўринова”.

Yишу миннатдорчилик мактубини бежиз келтирмадик. Сиз, азиз муштариylар юбораётган бундай мазмундаги номалар ижодий жамоамизни руҳлантиради, янги режалар сари ундаиди. Ниятларимиз эса катта. Шу кунларда ички ишлар идораларида ислоҳотларнинг бориши, қонунларнинг либераллашви муносабати билан фуқароларга яратилаётган ёнгилликлар, ғалла ўрим-ийими даврида ҳукуктартиботни мустаҳкамлаш, йўл ҳаракати ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, гиёвандликка қарши кураш ва башқа талайгина долзарб масалаларни изчил ёритиб бо-

риши мақсад қилганимиз. Кўзланган мавзулар газета саҳифаларидан ўз вақтида ва тўлиқ ўрин олишида таҳририят почтаси орқали олинаётган хат-хабарларнинг ўрни кattadir.

Кўлимиздаги мана бу мактубни Сурхондарё вилояти ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, ички хизмат майори А. Мирзоқулов ўйллаган. Вилоядта давлатга ғалла топшириш режаси бажарилган бўлса-да, айни дамларда ўрим-ийим давом этапти. Хат мазмунидан ризқ-рўзимизни беталашот ѹигишириб олиш мақсадида хизмат ходимлари вилоятдаги 14 та дон қабул қилиш корхонаси, хўжаликлардаги донни қутиши май-

донлари ҳамда машина трактор саройларида кўнгилли ёнгин ўчириш дружиналари ва ўт ўчириш машиналари, мотопомпалар, сув тортиш насослари соз бўлиши, ёнгин ўчириш қуроллари билан тўлиқ таъминланишига катта эътибор беришаётганини билиб олдик.

Истеъфодаги милиция майори Клара Бекжонова милиция соҳасида 30 йил ишлаб, ҳозирда кексалик гаштини сурояпти. Онахон “Даврга муносаб бўлайлик” деб номлаган мақоласида қатор медаллар ва кўкрак нишонлари билан тақдирланганини айтиб ўтган. “Ҳаётимдаги яна бир азиз мукофот, – деб ёзди Клара опа, – булар эл хизматида фидо-

йилик кўрсатаётган шогирдларимдир. Хива тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари Абдулла Собиров, Гурлан тумани ИИБ бошлиғи Улугбек Абдукаримов, ИИВ Тергов Бош бошқармаси ходими Зулфия Ёкубовалар билан фахрлана-ман”.

Ҳозирда фуқароларнинг хонадонларини марказлаштирилган масканлар орқали кўриқлаш ишончли ва иқтисодий жиҳатдан қулай эканлиги, бу борада Андикон шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмаси томонидан кўлга киритилаётган ютуқлар тўғрисида милиция подполковники М. Қодиров ўз номасида ҳикоя қилган.

Жамоатчи мухбирларимизнинг саъй-ҳаракатини кутлаш ва кўллаб-куватлаш керак. Таҳририятта келган навбатда-

ги туркум хатлар орасида Фаргона вилояти Бешариқ туманида яшаб, ижод қилаётган Маърифат Фаниева қаламига мансублари ҳам бор. Укиши “Мол ўғриси”, “Шер кутурса ойга сапчир”, “Бадбаҳт ота” деб номланган мақолаларида безорилик қилиб кўпчиликни ранжитган бир шахснинг феъл-атвори, мол ўғриси ва ор-номусини йўқотган отанинг қилмишини қоралашга ҳаракат қилган. Аммо воқеалар баён тарзида тасвирланган боис зерикарли чиққани, бундан ташқари бундай мавзулар кўп ёритилганини инобатга олиб, уларни муштариylар ҳукмига ҳавола этишини лозим топмадик:

Шунга ўхшаш фикрни қашқадарёлик қаламкаш Соҳибжамол Аминованинг “Умрим қуриган дарахтга ўхшайди”, “Барбод бўлган “операция” мақолалари хусусида ҳам билдириш мумкин. Фарқли томони, Соҳибжамолхон воқеаларни баён тарзида эмас, мулоҳазалар орқали ифодалашга интилгани сезилиб туриди. Аммо билдирилган фикрлар меъёрига етмагани туфайли жумлаларда фализлик пайдо бўлиб, материаллар мазмунига птурт етказганини айтиб ўтиш жоиз.

Аввалги таҳлилларда бир жиҳатни айтиб ўтган эдик. Яна тақрорлашимизга тўғри келади. Бизга юборилаётган хат-хабарларда далиллар тўлиқ бўлиши билан бирга муаллиф ўзи қаламга олган жараёнга ҳаётий кузатишларидан келиб

чиқкан ҳолда муносабат билдириши мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинганда у таъсиричан чиқиб, ўқувчига кутилган озуқани бериши мумкин. Акс ҳолда кундалик турмушимизда учрайдиган оддий ҳодиса ёки воқеа бўлиб қолаверади.

Ана шундай тилакни билдириган ҳолда таҳририятга Сурхондарё вилоятидан Р. Тўрақулов, вилоят ИИБ тиббий хизмат бошлиғи, ички хизмат катта лейтенанти А. Аҳмедов, Олтинсой тумани ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Н. Мирзаев, Шофиркон туманидан Г. Тошева, Қашқадарё вилояти ИИБ ёнгин хавфсизлиги бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковники Д. Пўлатов, Навоий вилоятидан ички хизмат майори Б. Емутбоев, самарқандлик М. Алимов, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Охунбобоев кўчасида яшовчи М. Одилхонов, бувайдалик М. Мираҳмедовлар ҳам турли мазмундаги хат-хабарлар юборишганини айтиб ўтмоқчимиз. Афсуски, айрим жузъий камчиликлари борлиги сабабли улардан фойдалана олмадик. Бунинг учун узр сўраб, муштариylаримиздан пишиқ-пухта, ранг-баранг мавзуларда ёзилган мақолалар кутиб қоламиз.

Хатлар бўлими.

Сўраган эдингиз...

Савол: – III гурӯҳ ногирони ишга жойлашса, унга иш ҳақи билан 100 фоиз пенсия тўланадими?

**М. ДАМИНОВ,
мехнат фахрийси.**

Жавоб: – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги “Ишлаб турган пенсиянерларга пенсия тўлаш ҳақида”ги Фармонига мувофиқ қўйидаги ишлаб турган пенсиянерлар тўлиқ ойлик маоши билан бирга 100 фоиз тайинланган пенсиясини олиш ҳукуқига эга:

Иккинчи жаҳон уруши ва унга тенглаштирилган уруш ногиронлари ва қатнашчилари, I ва II гурӯҳ ногиронлари ва Чернобиль ҳалокатини тугатиш иштирокчилари.

Қолган ишлаб турган ва шу жумладан III гурӯҳ ногиронларига тўлиқ ойлик маоши билан бирга тайинланган пенсиянинг 50 фоизи миқдорида пенсия тўланади.

Савол: – Турмуш ўртогим баҳтисизлик туфайли 1998 йили вафот этган. Айни пайтда икки боламни ёлғиз тарбияляяпман. Айтинг-чи, боқувчисини йўқотган оиласида даромад солигига оид ёнгиллик борми?

**К. СОЛИЕВА,
Тўйтепа шаҳри.**

Жавоб: – Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 59-моддасига мувофиқ жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқдан қисман, ҳар бир тўлиқ иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида бир қатор жисмоний шахслар озод қилинади, шу жумладан икки ва ундан ортиқ боласи бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёллар ҳам. Агар шундай пенсия олаётган бўлсангиз, у ҳолда бундай имтиёз Сизга нисбатан кўлланилмайди.

Савол: – Шахсий автомашина транспорт хизмати кўрсатиш билан шуғулланаман. Мехнат фаолиятимни кенгайтириши мақсадида банкдан кредит олишим мумкинми?

Р. ДАЛИЕВ.

Жавоб: – Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва Фуқаролик кодексининг 744-моддасига мувофиқ кредит шартномаси бўйича бир тараф – банк ёки кре-

дит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарағфа (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Лекин кредитор қарз олувчини тўловга қобилиятсиз деб ҳисобласа, қарз олувчи кредитни таъминлаш мажбуриятларини бажармаса, шартномада назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузса, шунингдек шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда қарз олувчига кредит шартномасида кўзда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортиши ҳақли.

Сизнинг саволларингизга ҳукуқшунослар X. МУСАБАЕВА ва Н. ҲАБИБУЛЛАЕВлар жавоб берадилар.

Савол: – Ҳурматли таҳририят!
Ишсизлик нафақаси ҳақида маълум берсангиз.

**С. ОМИЛОВ,
Тошкент шаҳри.**

Жавоб: – Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминлаш ҳукуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига (мехнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидиривчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатта олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлашва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар ишсиз деб эътироф этилади.


Ушиб Қонунининг 27-моддасига ишсизлик нафақаси таъминлаш тўғрисида “Ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилади”ни кутилган шахсларга тайинланади.

Ишсизлик нафақаси уларга маҳаллий меҳнат органида рўйхатта олинган биринчи кундан эътиборан ёзилади ва тўланади.

Ишсизлик нафақаси кўпи билан: ишдан ва иш ҳақидан маҳрум бўлган ёки узок (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсларга ўн икки ойлик давр мобайнida ўтиши календарь ҳафта;

илгари ишламаган ва биринчи бор иш қидириётган шахсларга эса ўн икки ойлик давр мобайнida ўтиши календарь ҳафта тўланади.

Ишсиз шахс нафақа олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органида йўқламадан ўтиши керак.



Сизнинг саволларингизга ҳукуқшунослар X. МУСАБАЕВА ва Н. ҲАБИБУЛЛАЕВлар жавоб берадилар.

УЧНИСИ + TV VOLAM

«Поснија» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

+ TV



ДУШМАННИ БИР ҚАРАШДА ТАНИШ ЛОЗИМ!

Куйдирги – ўткір юқумли касаллик. Унинг терида, ичакда ва ўпкада кечадиган шакллари бор. Күзғатувчилар очық ярага, оғиз бүшінігі түшгандың ёки учеб юрган споралар нафас олиш чөғи ютилганида юқади. Айни сүнгі ҳолатда касаллик айникса тез ривожланади. Касаллик келтириб چиқарувчи споралар конга ўтгач, бутун организм бүйлаб тарқалади. Иммунитет (химоя) тизими хужайралари (макрофаглар) спораларни ютиб, лимфатик бүйнларга олиб борадылар. Макрофагларда споралар тез бүлинүвчи хужайраларға айланади. Күпайған бациллалар үз "хұжайнлары" танасидан чиқиб, беморнинг бутун қон айланыш тизимини түлдиради.

Америкалик тадқиқотчилар заңарнинг хужайрага тушишига түсініп, бүлүвчи молекуланы топишиди. Унинг таъсир қылыш механизми қозирча коронғу эди, аммо бу кашфиёт кейинги излаңышлар учун йүл очиб берди. Тадқиқотчилар "химояловчи" молекулаларни кемириувчилар, hattto маймун устида тажриба ўтказыш учун етарлы миқдорда күпайтиришке мұваффак бўлдилар. Факат тажрибалар мұваффакиятли яқунланғачына одамларни даволаша истиқболлари ҳақида гапириш мүмкін.

Америкалик тадқиқотчилар нинг бошқа гурухи заңарловчи микробларни тез түсіб құювчи воситаларни топиш ниятида пептидлар (аминокислоталарнинг қысқа занжирлари) танлашға киришди. Охир-оқибатда улар мавжуд препаратлардан кўра минг бора самаралироқ түсувчи воситалар ҳосил қилишга мұваффак бўлишиди.

нади. Заңарли модданинг учинчи таркибий қисми "летал" ("ўлдирувчи") деб аталади. У касаллик юқкан одамни 2–4 кундан кейин ҳалок этади.

НИМА КИЛМОҚ КЕРАК?

Одатда куйдирғига хасталигига қалинган беморларга антибиотиклар тавсия этилар, аммо улар микроблар ривожланишини секинлатса-да, заңарнинг кучини қирқа олмасди. Америкалик олимлар бошқача йўл тутиши: улар заңарни хужайрага туширмаслик усулини излай бошлиди. Бундай уринишлар бундан ўн йиллар олдин қайд этилган бўлса ҳам, аммо баъзи мұваффакиятларга факат ўтган ёздагина эришилди.

Америкалик тадқиқотчилар заңарнинг хужайрага тушишига түсініп, бүлүвчи молекуланы топишиди. Унинг таъсир қылыш механизми қозирча коронғу эди, аммо бу кашфиёт кейинги излаңышлар учун йүл очиб берди. Тадқиқотчилар "химояловчи" молекулаларни кемириувчилар, hattto маймун устида тажриба ўтказыш учун етарлы миқдорда күпайтиришке мұваффак бўлдилар. Факат тажрибалар мұваффакиятли яқунланғачына одамларни даволаша истиқболлари ҳақида гапириш мүмкін.

Америкалик тадқиқотчилар нинг бошқа гурухи заңарловчи микробларни тез түсіб құювчи воситаларни топиш ниятида пептидлар (аминокислоталарнинг қысқа занжирлари) танлашға киришди. Охир-оқибатда улар мавжуд препаратлардан кўра минг бора самаралироқ түсувчи воситалар ҳосил қилишга мұваффак бўлишиди.

Ҳар гал ички ишлар бўлимига келганимда ходимлар учун юратилган шароитларни кўриб, кувониб кетаман. Гарчи ўттиз йилдан ортиқ милицияда хизмат қилган бўлсан-да, асосан раҳбарлик лавозимларида ишладим. Шаҳар, туман ички ишлар бўлимларининг ўша даврдаги биноларини ҳозирги кундаги кўринишига тақослаш қийин.

ФАХРЛАНИБ ЯШАЯПМАН

Милиция идораси учун керакли бўлган арзимаган курилиш материали учун ҳам марказдан рухсат олиниарди. Асосан фойдаланилган эски бинолар милиция учун ажратиларди. Гоҳида матбуотда марказдаги милиция идораларини кўриб, қачон биз ҳам ана шундай шароитларда ишлар эканмиз, дейа орзу қилардик. Эндиликда оддий профилактика инспектори фаолият юритаётган хоналарни кузатиб, фурурланаман.

Ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятини кузатиб борар эканман, мустақиллик йилларида ўзгаришлардан кувонмай иложим йўқ. Айниқса, ИИБ тизимида испоҳтлар ўтказилаётгани айни муддаодир. Тўғри-да, мустақил бўлганимиздан кейин ўз йўлини издан боришимиз керак. Ички ишлар идораларининг фаолияти давр тақозоётганда бўлиши лозим.

Пенсияга чиққанимдан кейин бир оз дам олдим. Чарчогим тарқагач, бекорчиликдан зерика бошладим. Бир куни Фориш тумани ички ишлар бўлимидан келиб, идорага тақлиф қилиши. Борсам, бўлим бошлиғи Муҳаммаджон Раҳимов ички ишлар идоралари фаҳрийларини ийғиб, сұхбатлашаётган экан.

– Отахонлар, сизларнинг кўп йиллик тажрибанига аскотадиган давр келди. Ҳозир милиция хизматига ўз йигитларни қабул қилияпмиз. Улар хизматларига бўлган муносабатларини кўриб, эшишиб қувониб кетаман. Ҳалол хизмат қилган, Ватан, юрт тинчлиги ва осойишталиги учун

димларни тарбиялаш, хизмат сирларини ўргатиши, улар ўз вазифаси ва бурчига содик бўлиши учун маслаҳатлар беришига кўмаклашасизлар, деган умидда сизларни йўқладик, – деди.

Биз, фаҳрийлар бу тақлифдан жуда курсанд бўлдик. Чунки кўпинча пенсионерлар бекор қолишиади, зерикиб яшашларига тўғри келади. Мен Янгикишлек шаҳарчасида хизмат килаётган профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Шавкат Аҳмедовга кўмаклашадиган бўлдим.

Замонани қарангки, профилактика инспектори эндиликда бир қатор жамоат ташкилотлари билан биргаликда бир бинода ишлайти. Йилаб қарасанг, ҳаммасининг фаолияти бир-бирига боғлик, ҳар қандай чигал масала ҳам шу ерда ечимини топади.

Шу ўринда маҳалла, қишлоқ фоллари, умуман фуқароларнинг жиноятчилик ва хукуқбузарликларининг олдини олишина фақат милиция ходимларига ташлаб қўймасдан, яқиндан ёрдам бериши кераклигини англаб етадиганларини айтиб ўтмоқчилик.

Вилоят ҳокимлиги ва ИИБ раҳбарияти яна бир хайрли ишни бошлиқ, биз, пенсионерларга юмуш топиб берди. Эндиликда шаҳар, кўргонларда кўчабошилар, оқсоқоллар тайинланди. Мен яшайдиган кўчада фермерлар, тадбиркорлар бор. Кўчани обод қилиш, дараҳтлар экиб, ариқларни тартибида ҳамма иштирок этди. Сув, газ, электр таъминоти узилиш бўлса, кўчадаги ҳамма аҳоли номидан ўзим вакил бўлиб, тегишили идорага бораман. Ҳар бир хонадон, унда яшайдиган фуқароларни яхши биламан. Ҳар куни кўчани бир айланниб, одамлар билан сұхбатлашаман. Пенсияга чиқиб бекор юргандим, энди эса ҳалқа нафим тегаётганидан фаҳрланиб яшаяпман.

Буларнинг барчаси аввало мустақиллигимиз шарофати, истиқлоннинг биз кутган мевалари. Дарвоқе, Президентимиз 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилганинг кўнглимини тақдек кўтариши. Бу эъзоз бизни янада илҳомлантириб юборди. Ҳаётий тажрибадимизни эл-юрт учун сарфлашга унда. Инсоннинг яшаётдан маҳсади ҳам шундай бўлиши керак.

Ж. МУСТАФОЕВ,
истеъфодаги милиция полковниги.
Жиззах вилояти.

... Пайшанбадан пайшанбагача...**ҚОТИЛНИНГ НАЙРАНГИ**

“Тошкент – Сирдарё” йўналишидаги темир йўл рельслари оралигидаги номаътум шахснинг маъжаланган жасади ётар эди. Бир қарашда баҳтсиз ҳодисадек тулолган манзара бу ерга етиб келган тергов тезкор гуруҳи ходимларида шубҳа уйғотди. Мурданни суд-тибий экспертизасидан ўтказган мутахассислар ҳам ушбу ҳолат тасодиф эмаслигини тасдиқлашди. Чунки марҳум бўйин ва кўкрак қисмларига ўтқир тиғли жисм билан етказилган жароҳатдан ўлган эди.

Бир кечакундузлик беҳаловат изланиш масала га ойдинлик киритди. Марҳум 1950 йилда туғилиб, Янгийўл шаҳрида яшаган А. Абдурасулов бўлиб чиқди. Уни муқаддам судланган 26 ёшли Ф. ўлдирган экан. Қотил аввал пичоқлаб, кейин жиноятини яшириш маъсадида жонсиз танани шиддат билан кетаётган поезд вагонлари остига ташлаган.

КЎНГИЛЛАРИ ТИЛЛА ЗАНЖИР**ТУСАГАНДИ...**

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида яшовчи 18 ёшли Б.нинг йўлда кетаётган аёлнинг бўйнидаги тилла занжирига ишқи тушди. У бир оз атрофни “разведка” қилди-да, бир ҳамла билан тақинчоқса эга бўлди. Сўнг бу ердан жуфтакни ростлади. Бундан хабар топган милиция ходимлари кув йигитнинг изига тушдилар. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Б.нинг кўлларини пўлат билагузук “безаб” турарди.

ШИМИНИ ЕЧИБ ОЛДИ

Чирчиқлик 62 ёшли киши куппа-кундуз куни, яна автобус бекати олдидаги талончига йўлиди. Куттилмагандага унинг ёнига келиб, куч ишлатиш билан кўрктиб, ўдағайлаган йигитча қариянинг эгнидаги шимини ечиб олди. Шимнинг чўнтагидаги 2000 сўм пул ҳам “кулодини ушлаб” кетди. Фифони фалакка чиқсан отаҳон милицияга мурожаат қилди. Ички ишлар ходимлари айборни кўлга олгач ёқа ушладилар. Чунки талончи 15 ёшли ўспирин эди.

НОРАСИДАДА НИМА ГУНОХ?

Қарши шаҳрида яшовчи 5-синф ўқувчиси С. Комаровнинг ўз уйидаги бўғиб ўлдирилган ҳолдаги жасади топилди. Бу бегуноҳ норасиданинг қотилини кўлга олиш учун ички ишлар ходимлари дарҳол оёққа турди. Тергов чоғида маълум бўлишича, қотилнинг болани ўлдиришдан маъсади хонадонда ўзи содир этган ўғриликни кўрган гувоҳдан кутулиш экан.


КАСОДГА УЧРАГАН САВДО

Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида бир гуруҳ гиёхфурӯшларнинг пайи қирқилди. Боёвутлик 1974 йилда туғилган К., муқаддам судланган, 1965 йилда туғилган М. ҳамда 24 ёшли П. лар бир килограмм геронини 5500 АҚШ долларига сотаётганларида кўлга олиндилар. Уларнинг савдоси шу тариқа касодга учради.

И. МИНАВАРОВ,
милиция майори.

**ҚИДИРУВГА
КЎМАКЛАШИШИНГИЗНИ
СЎРАЙМИЗ**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ Тергов бўлимида товламачилик бўйича жиноят иши кўриялти. Дастребли терговдан маълум бўлишича, икки номаътум шахс заргарлик буюмларини харид килиш маъсадида заргарлик буюмлари дўкони бўлим бошлигининг ишончига кириб, умумий нархи 9 миллион сўм бўлган буюмларни олишади ва пулини тўламасдан воеа жойидан фойиб бўлишиади.



Фотороботда тасвирланган шахсларни кўрган, таниган ёки қаердалигини билганлардан бу ҳақда 67-72-73 ракамли телефон орқали маълум қилиб, терговга кўмаклашишларини сўраймиз.

Ногаҳон йўлда икки автомашина тўқнашганини кўрганингизда беихтиёр этингиз сесканади. Кейин эса ўзингизни юпатиш учун фалокат оёқ остида-да, деб қўясиз. Лекин бу воеаларнинг доимий гувоҳи бўлиб, таҳлил этувчи йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари мутлақо бошка-ча фикрлайдилар. Хар бир йўл-транспорт ҳодисаси ҳаракат иштироқчиларидан бирининг белгиланган тартиб-қоидага бўйсунмаслиги, риоя қилмаслиги натижаси хисобланади.

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДАМИ?..

“Постда” газетасининг 20 июнь сонида эълон қилинган “Инсон ҳаётига жавобгарсиз” деб номланган мақолада “Тошкент – Ўш” йўлида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари, унинг сабаб ва оқибатлари таҳлил этиб берилган. Муаллиф йўл-ҳаракати хавфсизлиги ходимларини кўпдан бери ўйлантириб келаётган муаммони ўртага ташлаган. Йўлда чарчаб, толиқиб машина рулини бошқара олмай баҳтсиз ҳодисаларга йўлиқаётган ҳайдовчи-

лар, умуман киракашларни назорат остига олиш мақсадга мувофиқдир.

Яқинда юқорида айтиб ўтилган йўлда бир куннинг ўзида иккита автоҳалокат рўй берди. Марғилон шаҳрида яшовчи М. Юсупов “Тико” автомашинасини бошқариб бораётib қарама-қарши йўналишга чиқиб кетади. Натижада машина Тошкент шаҳридан келаётган Ф. Орипов бошқарувидаги “ГАЗ-53” руслумли юқ машинаси билан тўқнашади. Оқибатда учкиши тан жароҳати олиб,

шу ўринда айтиш жоизки, содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларида ҳайдовчи ёки пиёдалардан ташқари автомашиналарда кетаётган йўловчилар ҳам сабабчи бўлмоқдалар. Зоро, уларнинг шошиши, ҳайдовчи чалғитишлари хунук оқибатларга олиб келаяти.

Яқинда айнан “Тошкент – Ўш” йўлида ўтказилган тадбирда иштироқ этиб, бевосита бунинг гувоҳи бўлдим. Йўл-патруль хизмати инспектори “Да-

Найранг**КАВУШИ ТЎГРИЛАБ ҚЎЙИЛДИ**

Одамда ҳавас бўлсин экан. Ҳасад бўлса, уни жиноят кўчасига ҳам бошлаши ҳеч гап эмас. Қўшниси аёл боши билан тижоратчиликни эплаб юргани Нусратулло (исмлар ўзгартирилган) алам қилди. У ҳам ўзи фойда кўриш, ҳам қўшниси Дилнозани боплаш маъсадида фиригарликка ўтди.

– Дилноза опа, улгуржига калиш олдингиз деб эшийтдим, – сўради у. – Сотишга кўмак керак эмасми?

– Керак. Ҳар жуфтини 3000 сўмдан пуллаб берсанг майли. Ошиғи сенини, – дангалига ўтди Дилноза.

– Бўлди, келишдик, – деди савдолашиб ўтирамай Нусратулло. – Ҳозирча 400 жуфт беринг. Бозори чаққон бўлса, яна оларман.

Дилноза ҳам “кўшнику, алдамас” деган ўйда 400 жуфт калишни санаб берди. Орадан бир ҳафтадар ўтиб Нусратулло яна қўшнисини келди. Оғзи қулоғида:

– Дилноза опа, улгуржи харидор топдим, молингиздан яна борми? – деди.

Дилноза бу гапга лаққа ишониб, қолган 500 жуфт калишни ҳам Нусратулло га бериб юборди. Нусратулло бу калишларни илгаригиларидек ҳар жуфтини 2700 сўмдан “Отчопар” бозорида пуллаб юборди. Чўнгага қаппайгач еди, ичди, ялло қилди. Қўшнисини эса харидор молларни сотиб бўлиши билан пулни олиб келади, деб алдаб юраверди.

Пулнинг чўғи пасайғач, янги “иш”нинг бошини тутиди. Энди ўзини босқин-

чилик бобида синаб кўрмоқчи бўлди. Ўзидан беш ёш катта таниши Ахрорга таклифини айтди:

– Шу замонда киракашлар ёмғирдан кейинги

қўзиқоринлардек кўпайиб кетган.

Шулардан биттасининг машинасини тортиб оламиз.

Кейин пуллаб, тушган фойдан бўлишамиз, – деди.

– Ёш бўлсанг ҳам бало-

сан. Фақат икковимиз эплай оламизми? – иккапланди Ахрор.

– Унда яна бир ишончили шерик топинг. Маши-

нани камиди икки минг

“кўки”га пулласак, бема-

лол уч кишига етади, –

ҳотамтойлик қилди Нусра-

тулло.

– Ўзи эртаси бозорга ту-

шиб Чуст пичоғи, скотч

сотиб олди. Шериклар ке-

лишилган вақтда белги-

ланган жойда – “Эшпўлат

ота” кафесида учрашилди.

Мардлик учун бир шиша

ароқни “майдалашди”. Ва-

зифаларни ўзаро тақсим-

лаб олишиди.

Нусратулло пичоғни

Ахрорга, скотчини эса янги

шерикка берди. Бошқалар

ўзларини таниб қолишина-

син деб бошларига қора

спорт шапкаси кийиб,

қора кўзойнек тақиб

олишиди.

Сўнг соат 21.00 ларда

қаҳвахонадан чиқиб, мет-

ронинг “Чилонзор” бека-

Акс садо

касалхонага ётқизилади. Яна бир марғилонлик фуқаро О. Азимов эрталаб соат еттиларда “ВАЗ-2101” руслумли автомашинани бошқариб бораётib вояга етмаган К. Раҳимбоевни уриб юборади. Аниқланишича, ҳайдовчи машина тезлигини белгиланганни ошириб юборган экан.

“мас” руслумли автомашинани тўхтатди. Ҳужжатларни текшириб бўлгач ҳайдовчига Оҳангарон тумани, Оҳангарон, Ангрен шаҳарларида тезликни оширмаслик, чарчаган бўлса йўлда дам олишни тайинлади. Шунда йўловчилардан бири: “Дам олишга бало борми? Бизни бозорга етказиб қўйсин, кейин ётиб дам олавермайдими?” деди.

Инспектор ҳалиги йўловчига унинг ҳаётини қўлида эканлигини тушунтирмоқчи бўлди. Лекин йўловчи: “Пулини олганидан кейин тезроқ ҳайдасинда, бозор тарқаганда етиб борамизми?” дея зарда қилди.

Рўй бераётган йўл-транспорт ҳодисаларини тушунтирмоқчи бўлди. Лекин йўловчи: “Пулини олганидан кейин тезроқ ҳайдасинда, бозор тарқаганда етиб борамизми?” дея зарда қилди.

И. САЙИДКАРИМОВ,

милиция капитани.

келишувга кўра “Tico”ни Нусратуллонинг уйига олиб келишиди.

– Буни 900 жуфт калиш учун гаровга бериши. Пулини олиб келгач, машинани олиб кетишиди, – дея у ота-онасини хотиржам қилди.

Ниятлари орадан пича кун ўтказиб, ишончили одам топиб “Tico”ни сотиш эди. Аксига олиб, учундан кейин Дилноза калишларнинг пулини сўраб чиқиб қолди. Нусратулло машинани тўхташи билан Ахрор ҳайдовчининг бўйнига пичоқтиради. Киракаш рози бўлди. Келишилганидек Нусратулло машинани олдига, Ахрор шериги билан орқа ўриндиқка ўтириди.

Шайхонтоҳур туманинг “Ўзбекистон” маҳалласига етиб келишилганида Нусратулло янги курилаётган йўларнинг бирини олдига топиб ўтказиб. Машина тўхташи билан Ахрор ҳайдовчининг бўйнига пичоқтиради. Киракаш жонжаҳди билан қаршилик кўрсатди, ёрдам сўраб бакирди. У пичоқни ушлаганида, қўли кесилиб кетди.

Нусратулло ўзининг ёрдамисиз шериклари эплаёл

Тазарру

— Опажон, бир оз кутасиз, сиз сўраган маҳбусни ҳализамон олиб келишиди, — деди муассаса бошлиги. Унинг гапини тасдиқлагандек, эшик тақиллаб, ичкарига сержант йигит кирди.

Хонага кўринишдан ўрта ёшлардаги, сочи дув оқарган, кенг пешонаси ни ажин босган, каттакатта кўзлари ичига тортиган, кишига ҳазин бокувчи, баланд бўйи бир оз эгилган кишини олиб кирди. Бошлиқ билан соқчи бизни холи қолдирб, чиқиб кетишиди. Маҳбус менга зимдан қараб:

— Синглим, журналистмисиз? Газетада ишлайсизми? — деб сўради. Тасдиқ жавобини олгач:

— Дардимни айтсан, устимдан кулманг. Энди қирққа кирдим, қалбан қаридим. Нега шу ҳолга тушиб қолдим? Мен бор гапни айтай, сиз газетага ёзинг. Зора менга ўхшаган бирор гумроҳга ибрат бўлса — деди.

— Бошимга кулфат тушди, — ўз ҳикоясини бошлади маҳбус, — автофалокат туфайли отонам ва синглимдан айрилдим. Бир кунда, бир соатда хонадонимиздан учта тобут чиқди. Бундай кунни душманимнинг бошига ҳам солмасин.

Шу воқеадан кейин ўйқусизликка мубтало бўлдим. Кўзимни юмсан, қонга белангтан қадронларим рўпарамага келаверади. Шифокорга бордим. Бир талай дори-дармон ёзиб берди. Уларни олиш учун дорихонага кетаётганимда қаршимдан учтўртта таниш йигитлар чиқиб қолишиди. Ҳолаҳвот сўраб, дорихонага боришим сабабини билишгач, улардан бири: “Борма, — деди дўстона оҳангда. — Ҳали кечроқ уйингга ўтамиш. Ўзимиз зўр “дори” олиб борамиз. Маза қилиб ухайсан”.

Шундай бўлди ҳам. Ўша танишларим мен учун најоткор, энг яқин дўстга



Муассасанинг темир панжарали дарвозаларидан ўтиб, кичик бир хонага кирдик. Бинойидек ҳовли, ҳатто узумзор, гулзорлари бор. Лекин барibir кишини ғам-қайгуга соладиган қандайдир совуклик, ҳазинлик уфуриб турибди. Баланд деворлари тепасига тиканли симлар тортилган. Муассасада анчагина одам яшаб, меҳнат қилса-да, ҳаммаёк сув қўйгандек жимжит. Шу боис хонадаги митти телевизордан тараляётган шўх қўшик ҳам эриш туюлади.

айлангач, қаторасига бир неча кун “дори” олиб келишиди. Уларни аввалига фақат ҳидлаган бўлсан, кейин томиримга укол қилишиди. Вужудимдаги вақтинча ҳузурдан бошимга тушган кулфатлар унуттилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай — қадронларимнинг маъракасидан сўнг, ҳол сўраб келувчи қариндошларим, доим кўзи қизариб юрувчи опам — бу ёруғ оламдаги якка-ю ягона туғишганим ҳам кўзимга ёмон кўрина-диган бўлди. Жўраларим келганда кайфиятим кўтарилаар “видик”даги ични қиздириб, ҳисларимизни қитиқловчи фильмларни кўрганда — бегам ёшлигим қайтиб келгандек туюларди гўё.

Менга ўта “меҳрибон”, бўлган дўстларим “дори” — га пул тополмадик” деган-

ларидан ўйлаб ўтирмай онамнинг тилла тақинчоқларини сотиб юбордим. Кейин... “дори”сиз ухлаш эмас, яшашнинг ўзи дўзах азоби билан тенглигини “тотиб” кўрдим. Мени “дўст”ларим батамом ўз измларига солиб олишган эди. Ота-онам ва синглимнинг йил маросими ни қариндошларим ўзаро пул тўплаб, амаллаб ўтказишиди. Амаким, тогамнинг менга қилган пандасиҳатлари, қайта-қайта даволатишлари ҳам кор қилмади. Мен шундай бир йўлга тушиб қолган эдимки, унинг охири хор-зорлик, дого ҳасрат, пушаймонлик эканлигини ҳамма кўриб-билиб турар, мени ундан олиб чиқишига уринар, лекин мен ўз ихтиёрим билан бу ботқоқа баттар ботиб борардим.

Пачоқ бўлса-да, ҳали янги машинани “запчасть” қилиб сотдик. Уйдаги кўзга кўринган, кўлга илинган буюмлар арzonгаров пулланди. Опамнинг ранги сарғайиб, чўп-усти-хонга айланиб қолгани, менга зор-тавалло қилишлари юрагимни юшматмади. “Сизлар бир тотиб кўринглар “ломка”ни, ана ўшанда биласизлар нима учун бу йўлдан қайтмаётганимни!” деб баланд келишга, ўзимга нисбатан опам, қариндошларимда шафқат уйғотиш учун ёлғон-яшиқларни тўқишига ўргандим. Юм-юм йиғлаб ўтирган опамга раҳмим келиб, “кел, шу сабидан воз кечай” деган хаёлга келган пайтларим ҳам бўлди. Бироқ... биргина “ломка”даёқ бу хаёлим тутундек тарқалиб кетар, “Шунисидан ҳам ўтиб

олай, кейин, ташлайман. Йигитман-ку, сўзимда турман”, дея қасам ичиб, ҳамшира бўлиб ишловчи опамга ялиниб, ёнидаги бор пулини қоқиб олардим. Бора-бора ҳамма қариндошларимдан айрилдим, ҳеч ким билан борди-келди қилмай қўйдим; лекин “дори”дан воз кеча олмадим. Ва, ниҳоят, бир куни...

Маза қилиб ётгандим. Уйимизга учта эркак — “дўстларим” келиб, уч кун ичида жойни бўшатишимишини, чунки мен отонамдан қолган уйни қиморга ютқазиб кўйтанимни маълум қилишиди. Акс ҳолда “уқангни жони кўлнимизда” деди биттаси опамга хўмрайиб. Мен ҳамма гапни ўшишиб ётган бўлсан-да, унинг моҳиятини англаб етмас, сўхтаси совуқ учковлон опамга нима дейишаётганинг фарқига бормас, “кайф”дан маст эдим...

“Тур, номард, опангни куткар! — қаердан дарвазада шахд билин қўлидан тортиб, ўрнимдан турғазди. Онам юзимга тарсаки тушириди. Синглим хўнграганича қора қонга белангтан юзини қўллари билан беркитди. “Бор, опангни куткар!” — дадамнинг шапалогидан кўз олдим қоронгулашиди. У яна уришга шайланётганинг кўриб, “хўп-хўп” дед, опамнинг хонасига отилдим. У ердаги манзарадан даҳшатга тушиб, қўлимда қаердан болта пайдо бўлганини билмайман. Опамнинг номусини топтаган, уни чаражон қилиб, ўз ҳирсини қондираётган маълунларга қандай ташланиб, чошиб ташладим — билмайман. Балки даҳшатдан чирқираган ота-онамнинг, синглимнинг арвоҳлари менинг кўлим билан чопиб, ўлдиргандир уларни...

Кўзим жуда кеч очилди. Эшитишимча, опам ўзини ўлдирмоқчи бўлганда шифокорлар ҳаётини сақлаб қолишибди. У суд мажлисига келмади. Ус-

тимдан чиқарилган ҳукм бўйича узоқ йиллар жазо муддатини ўтадим. Неча бор ўлимни бўйнимга олиб бўлса-да, “дори”дан қутулдим. Бу ерда ҳунар ўргандим. Босиб ўтган ҳаёт йўлим — бошимга тушган мусибатдан фойдаланиб, мени гиёҳвандлик балоси, қиморга ўргатиб, хонавайрон, бокира опамни бадном қилган ўша маълунларни эслайман. Улар аслида менинг лақмалигим, иродасизлигидан фойдаланишганини яхши англайман...

Эртага озодликка чиқшимни ўйлаб, энтикаман. Аммо мендан ҳақли равища юз ўгириган, касримга қалби бир умр ногирон бўлиб қолган опажоним хузурига қайси юз билан бораман? Йўқ, боролмайман. Биламан: опажоним мени, ноинсоф жигаргўшасини пинҳона фарқига бормас, “кайф”дан маст эдим...

Мен эса ўша, ота-онам бағрида эркаланиб ўғсан, муртадлар ёлғиз опажонимнинг номусини топтаган ўйга, ҳовлига бора олмайман. Опажонимнинг кўзларига қарай олмайман. Майли, у мени шу жойларда оламдан ўтган деб ўзини юпатсин. Лекин ўз опасини баҳтиқаро қилган мен, пасткашнинг юзини кўрмасин, яхшиси бошқа бирор жойга бориб, баҳоликудрат меҳнат қиласман. Топганимни опамга, отонасиз қолган болаларга юбориб тураман. Шунда ҳам гуноҳим ювилмаслигини биламан. Фақат битта фикр мени юпатади: кеч бўлса-да ўзлигимга қайтдим. Ажал ботқоғи қаъридан жуда катта тоғонлар, курбонлар эвазига чиқдим. Мана шу фикр менга тасалли бериб, ҳалол-пок яшашга, тинимиз меҳнат қилишга, инсонлардек кун кўришга ундаиди. Ва шундай қиласман ҳам... Ҳеч ким менинг ҳаёт йўлимни такорламасин.

Маҳбуснинг ҳасратини оқса кўчирувчи: ШАҲЗОДА.

Маънавият

БИР КУН ЖАНЖАЛ БЎЛГАН ЎЙДА...

Дейдиларки, сабабсиз оқибат бўлмайди. Қуйида хукминизга ҳавола этилаётган ҳодисада ҳам “сабаб”лар бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган. Охирида эса оқибат келиб чиқкан. Оқибатки, кўпларга ўрнак бўлгулик.

... Курсия (исмлар ўзгартирилган) эри билан уришиб қолди. Жанжал нимадан чиқди — бизга қоронгу. Лекин у “бор-е” деб сумкаласини қўлига олди-ю, аразлаб, отасини кетди.

Адҳам хотинини икки-уч кун кутди — йўқ. Бориб, “уйга юр” деб

сидра кийимларини уларга “совфа” қилди...

— Хотин, тўғрисини айт, ўйдаги буюмларни қачон, қандай олиб кетдинг?

Гўшакдан бу гапни ўшигандан Курсия каловланиб тезда ўйга этиб келди. Қараса, йиққан-тергандари — асосий буюмлар йўқ. Аввалига эр-хотин “сен олгансан, сен яширгансан!” деда бир-бириларини ўюмма талашиди. Кейин милицияга арз қилишиди.

— Айтиб қўй: пул йўк — деди у. — Аёллар кийими билан “ҳақ” тўлайман. Аёллар рози бўлишиди. Шу куни эр хотинининг бир

ри бошланди. Янгиер шаҳар ички ишлар бўлими ходимларининг саъи-ҳаракати билан ўғрилик содир этган уч дугона аниқланиб, улардан сотилгандан қолган буюмлар ашёвий далил сифати олниди.

“Бир кун жанжал бўлган ўйдан қирқ кун барака кўтарилади” деган гап ҳақлиги исботланди. Низо нимадан чиққанини унтиб ҳам юборган эр-хотин энди бир тан, бир жон бўлиб, йўқолган буюмларни қайтариш пайда.

— Қизимга бу таҳлият юриши уятлигини қайтакта айтганман. Лекин у менга қулоқ солмади. Ўз

Курсия енгиллик қилиб отасининг ўйига жўнаб қоланидан хижолатда. Адҳам эса нағсини тия олмай, ўзи танимаган, билмаган жувонларни “мехмон”га чақиргани, уларнинг бири билан айш қилганича, иккичиси ўйнинг калитини ўғирлаб, эртасига, ҳеч ким йўқлигига дугоналари билан хонадонни “супуриб” кетишганидан юзи шувит. Иккича орада ярим миллион сўмликдан зиёд мол-мулк йўқолди.

— Қизимга бу таҳлият юриши уятлигини қайтакта айтганман. Лекин у менга қулоқ солмади. Ўз

К. МУРОДОВ,
милиция майори.

ЖИНОЙ ТИЛ БИРИКТИРИШДИ. КЕЙИН-ЧИ?..

Ҳикоят. Ҳалифа Маъмун қози Яҳъё ибн Аксам билан бирга боф томошасига борди. Ҳалифа боқса бораётгандарида қозининг соясига бўлди, қайтида эса офтоб тарафда боришни ихтиёр килди.

– Бу сафар соя тараф сеники бўлсин, акс холда адлу инсоға зид иш бўлади, – деди ҳалифа.

– Кўп йиллардан бери мен сизнинг лутфу кара-мингиз соясидаман. Бир соат офтобда қолсан нима бўпти? – деб қўнмади қози.

Ҳалифа унга оғаринлар ўқиди, лекин барибир айтганини килди. Бу гал у офтоб тарафда бўлди.

Ушбу ҳикоятда бир олам маъно мушассам. Одамзод дунёга келидиккага эзгуликка, инсоғи ва диёнатни бўлиб, атрофидаги одамларга меҳрмуvvat кўрсатишга интилади. Ўзини разолат ва муно-фиқлидан устун қўйиб яшайди. Айнан шу жиҳати билан у Ер юзидағи жамики мавжудотлардан юқори туриши табий. Эҳтимол инсоннинг инсонлиги ҳам шундандир.

Аммо, орамизда шундай одамлар борки, ақл-фаросат билан иш тутмай, ножӯя ишларга кўл уришашти. Улар инсоний бурч ва масъулият деган тушунчаларни унтиб қўйиб, қонунбузарликка йўл кўймокдалар. Судда кўрилаётган айрим жиной ишлар бўнинг яққол тасдигидир.

Туман ўсимликларни химоя килиш ва агрокимёвий тадқиқотлар маркази директори Б. Қосимнинг "саъй-ҳаракати"ни бундан ортиқ баҳолаш мумкин эмас. У ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб САР авиакомпаниясининг АН-2 русумли самолётлари кўп маротаба учуб, фалла майдонларига селитра

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБИХ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ Шахсий таркиб билан ишлар хизмати катта инспектори, милиция майори Қобилжон Каримовга отаси

ЁКУБЖОН отанинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қиласидар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Баш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Бекобод шаҳар 13-ХЕҲКнинг катта ёнгин ўчирувчиси, ички хизмат сержанти

Абдували ТУРОНОВнинг

фохиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан маҳрумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Бекобод шаҳар 13-харбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми катта ёнгин ўчирувчиси, ички хизмат сержанти

Абдували ТУРОНОВнинг

фохиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ Тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – тергов фамилияни мувофиқлаштириш, назорат этиш ва аҳборот-таҳлил таъминоти бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Мирғалур Миркамилович Мирмусаевга онаси

СУРАЙЕ аяннинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ ва Сиёб тумани ИИБ раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби Сиёб тумани ИИБ жиноят қидирив ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими бўлинма бошлиғи, милиция капитани

Фахри МУИНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдирадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ Патруль-пост хизмати ва Жамоат тартибини саклаш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Одил Жабборовга волида мухтарамаси

ИҚБОЛ аяннинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги И. Химматовга падари бузруквори

ИБРАГИМ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Суднинг қора курсисида пайариқлик Б. Акбар бош эгиб ўтириди. 45 ёшини қаршилаётган бу фуқаро олти фарзанднинг отаси, Самарқанд жамоа хўжалигида ишчи бўлиб ишлади. У хонадонида ўқ отар курол ва ўқ-дориларни ноқонуний равишда сақлагани учун шу кўйига тушди. Милиция ходимлари унинг уйида тинтуб ўтказишганда бир стволли 20 калибрли ов митлиги, 22 дона темирдан ясалган гилзалари (3 таси жанговар ҳолатда), 40 дона гилзага солинадиган капсул, порох ва питралар олиши.

Ов митлиги ва ўқ-дорилар бундан ўн йил илгари вазифот этган отамдан қолган, – деди Акбар судда. – Ҳар замонда ов қилиб турардим. Милтики ички ишлар идораси руҳсатнамасиз сакланётган 50 дона жанговар ўқ-дорилар топилади. Сапура эса тормоқда қонунга хилоф равишда етиширган 172 г кўкнор бошоқлари, 28 г кўкнор ургува кукунларини истеъмол қилиш мақсадида сақлаб келаётгани аниқланади.

Қилиши — қидириш, дейдилар. А. Абдиразоқ ҳам юқоридаги модда билан айбланиб, унга энг кам иш ҳақининг 50(эллик) баравари миқдорида, яъни 171.500 сўм жарима солинди. К. Сапурага нисбатан эса икки йил синон муддати белгиланди ва унинг хуљки бўйича назорат олиб бориш ички ишлар идораси зиммасига юқлатилди.

Маълумки, олтин хом ашёси валюта қимматликларидан бири саналади. Шу боис уни ўтказиш ва сотиш қонун бўйича тақиленган. Аммо пайариқлик хусусий stomatolog X. Сайдулла қонунни назар-писанд қилмади. У уйида сақлаётган 50 грамм атрофидаги олтин кукунини хусусий тадбиркор Ш. Баҳодирга кўрсатди.

Хўш, бу кимга фойдао, кимга зарар. Агар Б. Акбар оиласда ягона бокувчи эканли-

гини инобатга олсан, унинг масъулиятлизиги, қонулари мизни билмаслиги хонадонга қанчалик қимматга тушганинг англаш қилинади.

Дарвозагаза қишлоғида яшовчи эр-хотин Сапура ва А. Абдиразоқларнинг қилими бундан ҳам ўтиб тушди. Туман ИИБ ходимлари тезкор маълумотлар асосида уларнинг уйида тинтуб ўтказишганда межмонхонадаги шифонъер ичидан руҳсатнамасиз сакланётган 50 дона жанговар ўқ-дорилар топилади. Сапура эса тормоқда қонунга хилоф равишда етиширган 172 г кўкнор бошоқлари, 28 г кўкнор ургува кукунларини истеъмол қилиш мақсадида сақлаб келаётгани аниқланади.

Қилиши — қидириш, дейдилар. А. Абдиразоқ ҳам юқоридаги модда билан айбланиб, унга энг кам иш ҳақининг 50(эллик) баравари миқдорида, яъни 171.500 сўм жарима солинди. К. Сапурага нисбатан эса икки йил синон муддати белгиланди ва унинг хуљки бўйича назорат олиб бориш ички ишлар идораси зиммасига юқлатилди.

Маълумки, олтин хом ашёси валюта қимматликларидан бири саналади. Шу боис уни ўтказиш ва сотиш қонун бўйича тақиленган. Аммо пайариқлик хусусий stomatolog X. Сайдулла қонунни назар-писанд қилмади. У уйида сақлаётган 50 грамм атрофидаги олтин кукунини хусусий тадбиркор Ш. Баҳодирга кўрсатди.

Н. ТОШМУРАТОВ,
Пайариқ тумани жиной ишлар бўйича суди раиси.

Мулоҳаза

**СУВ – ОБИ ҲАЁТ,
СУВ – ОФАТ!**

Халқимизда ўт балоси, сув балоси ва тұхмат балосидан Яраттанинг ўзи арасасин, деган бир хикмат бор. Аммо ўту сув балосидан аввало ўзимиз эҳтиёт бўлишимиз керак.

Қишлоғида истиқомат қилаётган Ҳилола Зоҳидова ҳам фарзанд додига қўйиб қолди. Сабаби, яна ўша лоқайдлик, бепарвонлик, эҳтиёtsизлик.

Ҳа, биз оби ҳаёт дея ардоқлайдиган сув баъзан умрлар шамчирогини сўндириши ҳам мумкин. Қайта-қайта такрорланиб, ҳаммага ёд бўлиб кетган ҳақиқатни яна эслатамиш: болаларни оловдан, сувдан эҳтиёт қилинг. Уларга хавфсизлик чора-ларини ўргатинг. Ҳали ёзният кўпи олдинда. Фарзандларимиз чўмилгиси, ўйнагиси келади. Уларга шунаقا пайтлар нималарга эътибор бериси кераклигини тушунтириш. Энг яхшиси, фарзандларингиз катталар назорати остида хавфсиз, мослаштирилган сув ҳавзалирида чўмилишсин.

У. ТОЖИЕВ.

БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Фарғона вилояти ИИБга қарашли Кўқон шаҳридаги во-яга етмаганларга ижтимоий-хукукий ёрдам кўрсатиш мус-ассасасига шу йил 21 июнь куни ўғил бола келтирildi. У ўзини Шерзод Топиволдиев деб танишириб, 1993 йилда тугилганинг ўзиги билдирилди. Нутки равон эмас. Саволларга аниқ жавоб беролмайди.

Белгилари: бўйи 120-130 см., сочи, кўзи қора. Бурни пучук, дудукланиб гапиради.

Кийимлари: ёнгига оқ-зангори рангли футболка, калта шим (шортик), оёғига сарик ёнгил туфли кийган.

Боланинг ота-онаси ёки яқинлари Кўқон шаҳар, во-яга етмаганларга ижтимоий-хукукий ёрдам кўрсатиш мус-ассасасига мурожаат этишлари мумкин. Манзилимиз: Кўқон шаҳри Ўрда таги кўчаси, 5-йи. Телефон: 2-24-56; 3-45-31.

– Ҳаридор топиб нархини келишиб кўйганман, – деди Баҳодир кўзлари ўйнаб.

– Ундай бўлса кеч соат 18.00 ларда ўйимга келинглар, – деди Сайдулла.

Кечки пайт Баҳодир харидорни бошлаб келди. Учвон "ВАЗ-2109" русумли автомашина ичидан савдолашиши. Ҳ. Сайдулла харидорга 49,96 г. соф олтинни 750.000 сўмга сотишига рози бўлди. Шу суммани 635 АКШ долларига тенглаштириб, олдиндан 600 АКШ доллари эвазига ўтказганида милиция ходимлари тузогига илинди. Ҳаридор аввалроқ тайёрланётган жиноят ҳақида вилоят ИИБга ариза билан муроҷаат қилган эди.

Жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Қонунга хилоф равишида мўмай даромад ишлаб олиши кўзлаган Ҳ. Сайдулла Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддаси, 2-қисми, "б, в" бандларига асосан энг кам иш ҳақининг 200 (икки юз), Ш. Баҳодир эса 75 (етмиш беш) баравари миқдорида жарима тўлайдиган бўлиши.

Жиноят қилишга мойил кимсалар хомтама бўлмасликларини истардим. Уларнинг кирдикорлари милиция ходимлари томонидан фош қилиниб, адолат албатта қарор топади. Фуқароларимиз бир-бирларига меҳрмуvvatли, оқибатли бўлиб, қонунларимизга итат этиб яшасаларгина ҳаётимиз фаровонлашиб бораверади.

Н. ТОШМУРАТОВ,
Пайариқ тумани жиной ишлар бўйича суди раиси.

**О'zbekiston
RESPUBLIKASI IV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

**Bosh muharrir
Shuhrat
MURODOV**

Bosh muharrir o'rinosari v.b.
Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib
B. AZIMOV
Navbatchi:
Sh. XUDOYBERDIYEVA

Musahihilar:

M. AKRAMOVA

G. XOLIQOVA

Sahifalovchi:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinosari 139-75-69.
Mas'ul kotib 139-73-88.
mushbirlar bo'limi 139-75-69.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalar bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob raqamlarimiz
O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki
Toshkent viloyati
Bosh boshqarmasi.
hisob raqami:
21596000500447980001,
MFO 00025.

ABN AMRO Bank MB
O'zbekiston A.J.
20210000300447980002
MFO 00831,
i/r 5033853
INN 200637499

Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko